


Соғ юрак-тоғ юрак

ГАП ФУТБОЛДА, ЭМАС

Бир тасаввур қилинг-а: дарслар тутаб, кунгирок чалинди. Уқувчилар апил-тапил китоб-дафтарларини йиғиштириб, уйларига ошиқишади. Бу ҳар биримиз учун таниш манзара. Лекин шаҳримиздаги Ғ.Ғулом номли 169-мактабга йулингиз тушса, бошқачароқ ҳолатга дуч келасиз. Юқори синф уқувчилари ҳам, қуйи синф кичкинтойлари ҳам дарслар тугаган ҳамон спорт зали, футбол майдончаси томон ошиқишади, узлари севган спорт тугарақларида шугулланишади. Шароитлари ҳам ҳавас қиларли даражада. Бу эса уз-уздан бўлгани йўқ. Мактабнинг жисмоний тарбия уқитувчиси, халқ маорифи аълочиси, спорт устаси Гигант ака Ғиёсовнинг саъй-ҳаракатлари туфайли шундай имкониятлар яратилди. Тан олиш керак, 1990 йилга қадар спорт ишлари яхши йўлга қўйилмаган, спорт зали, майдончалари бир ҳолатга келиб қолган, анжомлар ҳам йўқ ҳисоби эди. Мактабга Козим ака Аъзамов раҳбар бўлиб келгач, спорт соҳасида ижобий ўзгаришлар бўла бошлади. Гигант ака Ғиёсов билан ҳамкорликда спортни жонлаштиришга астойдил бел боғладилар. Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими томонидан маълум миқдорда маблағ ажратилди. «Орзу» тери-атторлик буюмлари фабрикаси маъмурияти ҳам имкон қадар кўмаклашдилар. Етмаганини узлари тулдиришди. Натижада спорт қайта таъмирланди. 400 уринга мўлжалланган футбол майдонига эга бўлган каттагина спорт комплекси барпо этилди. Ҳозирда шахмат-шашка, волейбол, баскетбол, теннис, бадий гимнастика, футбол, таэквандо, енгил атлетика каби қўшлаб спорт тугарақлари мунтазам ишлаб турибди. Юз бор эшитгандан, бир бор курган афзал, деганларидек, мактаб спорт комплекси томон йўналдик. Зал болаларнинг шовқи-суронлари билан тўлиб-тошган. Одатда жисмоний тарбия дарсларида футбол, баскетбол, қўл тути каби уйинлар уйнашларига қўниқиб қолганмиз. Бу мактаб уқувчилари эса мана шу уйинлар қаторида ҳозирда унут бўлиб кетган миллий уйинларимизни ҳам мароқ билан уйнашар экан.

- Фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб улғайишларида спортнинг аҳамияти катта, - дейди А. Авлоний номидаги малака ошириш олийгоҳи жисмоний тарбия ва чақириқча бўлган ёшларни тайёрлаш кафедраси мудири, доцент Талъат ака Усмонхў



жаев. - Ибн Сино, А. Навоий, Фирдавсий каби буюк алломаларимиз ҳам уз даврида болаларнинг узлари яшаб турган муҳитни яхши билишларида уйинларнинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлаб ўтишган. Болалар ҳеч қандай фаолиятда уйиндагидек тириш-қоқлик, эпчиллик ва чаққонлик билан ҳаракат қилишмайди. Уйин пайтида улар узларини жуда эркин ҳис қиладилар. Айниқса уйинлар оддий, мазмунли бой бўлса. Менинг фикримча миллий уйинларимиз айнан ана шундай уйинлардандир. Шаҳримиздаги 276, 119, 169-мактабларда болаларга миллий уйинларимиз ҳақида тушунчалар бериб боришга интиламан. Болаларимиз ҳам «Бурон», «Олиб қочар», «Чавандоз», «Қирқ тош», «Чунка шувоқ», «Елка кураш», «Кичик улоқ», «Чупон», «Қулоқ чузма», «Подани», «Ким чаққон» каби жуда қўшлаб миллий уйинларимизни қизиқиш билан урганиб, мароқ билан уйнамоқдалар.

1993-94 йилларда республиканинг барча вилоятларида, Тошкент шаҳрининг ҳамма туманларида 12 турдаги миллий уйинлар бўйича шаҳар биринчилиги ўтказилди. Мусобақаларда М. Улуғбек туманидаги 99-мактаб уқувчилари ғолибликни қўлга киритишди. Ҳамда республикада биринчи бор Фориш туманида ўтказилган миллий уйинлар Олимпиадасида иштирок этиб қайтишди.

- Болаларимизнинг спортга қизиқишлари зур! - дея суҳбатимизга қўшилди Гигант ака. - Уғил болалардан: «спортнинг қайси турини ёқтирасан?» деб сурасангиз, албатта, «футболни» дея жавоб қайтаришлари тайин. Спортнинг бу турини севмайдиганлар жуда кам. Шунинг учун ҳам 6-, 7-, 8- ҳамда 9-синф уқувчиларидан махсус футбол синфлари ташкил қилдик.

Мени анчадан буён бир муаммо уйлантириб юрар эди. Ўйибор берсангиз спорт уйинларига, хусусан футбол мусобақаларига ҳакамлик қилувчилар орасида миллий кадрларимиз йўқ ҳисоби. Нима, ҳакамлик қилиб, уйинни одилона баҳолаш бизнинг қўлимиздан келмайдими? Албатта келади! Фақат бундай мутахассисларни ўқитишимиз, тарбиялашимиз даркор. Шу мақсадда жисмоний тарбия олийгоҳи, Маориф вазирлиги, шаҳар ҳамда туман халқ таълими бўлимлари билан келишган ҳолда 3 йилга мўлжалланган шартнома тузиб, махсус ҳакамлар синфи ташкил қилдик. Бу синфга футбол синфида таҳсил олаётган уқувчиларни танлов асосида қабул қилганмиз. 9-10-11-синф уқувчилари махсус синфни тугатгач, III-II-I-тоифали ҳакамлар бўлиб етишадилар. Уларга футбол федерациясидан республика миқёсидаги ҳакам Аҳбор Имомхўжаев, ҳакамлар президенти Аҳмаджон Ризаметов, республика миқёсидаги ҳакам, 276-мактаб директори Носиржон Раҳмонов ҳамда Ботир Ибрагимовлар устозлик қилиб келмоқдалар. Шу уринда асосли бир савол туғилади: Бу синфни тамомлаган уқувчиларга келгусида қандай имтиёзлар яратилади? Насиб бўлса, 3 йилдан сўнг бу болаларимиз ҳам футбол мураббийси, ҳам ҳакамлар бўлиб етишишади. Уларга урта мактабларда жисмоний тарбия фанидан дарс бериш

ҳуқуқи ҳам берилади. Ҳамда жисмоний тарбия олийгоҳига конкурссиз қабул қилиниш имтиёзига ҳам эга бўладилар.

«Спорт билан астойдил шугулланаётган умидли ёшларимиздан келгусида республикамиз шарафини ҳимоя қилувчи мохир футболчилар, тажрибали ҳакамлар етишиб чиқишса, нур устига нур. Балки бошқа соҳалардан кетишар. Лекин гап футболда эмас. Биз учун асосийси, уларнинг соғлом ва бақувват бўлиб улғайишларидир. Қолаверса, спорт билан шугулланаётган уқувчиларимизнинг узлаштиришлари ҳам яхшиланаяпти. Энг муҳими, уларнинг майда безорилик, тартиббузарликлар қилишга бекорчиликдан зерикиб, куча чангитиб юришга фурсатлари йўқ».

Мактаб директори Козим ака Аъзамовнинг фикри ана шундай. Қўшимча қилишнинг ҳолати ҳам йўқ. Биргина истагимиз бор ҳолос: Ана шундай фидоий, заҳматқаш мураббийларимиз сафлари янада кенгайверсин!

Феруза ЖАЛИЛОВА.

Суратларда: Бу мактабда бирор бир тадбир ўтказилмайдиган кунлар жуда кам бўлади. Қўни-кеча мактабнинг мусиқа уқитувчиси Каримжон ака Раҳмонов ҳамда доира тугараги раҳбари Фахриддин ака



Тожибоевлар тапшаббуси билан тайёрланган «Санъат байрами» курик-танловида санъатга ихлосманд уқувчилар иштирок этишган бўлса, бугун эса «Светофор» мусобақасида йўл ҳаракати назоратчиларининг ёш дўстлари узаро беллашяптилар.

- Ўйибор беринглар-а, - дейди болаларга Тошкент шаҳар Давлат Автомобил назорати бошқармаси тарғибот-ташвиқот бўлими нозири, милиция майори Одимжон ака Умаралиев, - болалар билан боғлиқ бўлган йўл-транспорт ҳодисаси шаҳар бўйича 1990 йилда 60,3 фоиз бўлган бўлса, 1994 йилда уларнинг сони, 66,9 фоизга ортган. Хусусан, Шайхонтоҳур туманида 20,7 фоизга кўпайган. Бундай бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, болалар орасида тушунтириш ишларини жонлантириш мақсадида февраль ойидан бошлаб «Диққат пиеда» тадбирини ўтказяпмиз...

Юнусобод тумани тарғибот ва ташвиқот бўлими нозири, милиция капитани Хусниддин ака Ғиёсов ҳам болаларнинг катта дўстига айланиб қолган. Болалар билан факультатив машғулотлар олиб борадилар, йўл ҳаракатига оид дарсларнинг мунтазам ўтказилишини назорат қилиб турадилар. Уқувчилар ҳам бундай машғулотларда зўр қизиқиш билан иштирок этадилар. Йўл ҳаракати қондаларига оид расмлар конкурслари, КВН мусобақалари уюштириладилар. Бу ишларда Хусниддин ака уларнинг энг яқин масалаҳаттўйдир.

Р.АЛБЕКОВ туширган суратлар.



СЕН ҚУЁШ БЎЛСАНГ, ЎЗГАГА НУР СОЧИШНИ УНУТМА

Тошкент шаҳридаги педагогика колледжи республикаимиз мустақиллиги медаларидан биридир. Унда Ўзбекистонимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келган 2000 га яқин талаба кундузги ва сиртқи бўлимларда таълим олишмоқда.

— Ўқув даргоҳимизга 9-10 синфни тугатган йигит-қизлар тест синовлари асосида қабул қилинадилар, — дейди колледж директори Мунаввар опа Юсупова. — Тулиқсиз урта маълумотли

уқувчилар эса оддий гуруҳларга қабул қилиниб, 4 йил утгач, бошланғич синф ўқитувчилари бўлишади. 11 синфни тугатган урта маълумотлилар кириш имтиҳонларидан яхши ўтсалар 3 йил ўқийдилар. Мабодо давлат имтиҳонларини юқори балларга топишсалар,

уша баллар билан Тошкент Давлат муаллимлар Олийгоҳига синовларсиз қабул қилинадилар. Талабалар учун озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа зарур харажатларни ҳукуматимиз ўз зиммасига олган.

Биз ўқувчилар билан ҳам суҳбатлашганимиз лозим топдик. Саида ҚУВОНДИҚОВА:

— Янгийул шаҳридан келганман. Ўқиш ва янаша шароитларимиз, овқатланишимиз жуда яхши. Мураббийларимиз пухта билим олишимиз учун бутун кучларини ишга солишяпти.

Феруза МИРЗАУЛҲОВА:

— Андижондан келиб ўқияман. Ётоқхонамизда тартиб яхши, бегона кишиларни хоналарга киритишмайди. Комендантимиз ҳам жуда одамнинг дилини тушунадиган аёл. Барчамизнинг мақсадимиз ўз уйимизга, мактабимизга ўқишни аъло баҳолар билан тугатиб, «ўқитув-

чи» деган шарафли касбни эгаллаб, эл суйган инсон бўлиб қайтиш.

Дилафруз ТУРОПОВА:

— Тошкентда ўқиш мени жуда кўп нарсаларга ўргатди. «Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас» деган ҳикмат бор. Ота-она меҳрини, айниқса тугилиб ўсган юрт қадрини англадим. Кўп дўстлар орттирдим. Зиёда Умарова, Зулайхо Норова, Насиба Саидазимова ва бошқалар менинг энг яхши дўстларимдир.

Ўқув даври ҳам бир давр, «Ёшлиқда уй-ганинг қолади», дейишади баъзилар. Лекин бизнинг ҳозирги

вазифамиз ўқишдир.

Дилдора АСОМОВА:

— Тошкентданман. Ёшлигимда ўқитувчи

бўлишни орзу қилардим. Ана шу орзу мени бу ерга етказди. Ўқитувчи бўлишга иложи бори-ча пухта билим беришга интилаяптилар. Ўқишни аъло тугаллаб, олий ўқув юртига кириб ўқиш ниятим бор.

Қизларнинг сузларидан билдикки, уларнинг ўқишга, касб ўрганишга интилиши ва қизиқишлари катта. Бироқ бизни ажаблантирган бир нарсаси — колледжда ўқил болалар сонининг ниҳоятда камлиги. Толиба қизларнинг фикрича, гуруҳларда ўқил болаларнинг бўлиши ҳам тарбияга, ҳам муомалани ўрганишга катта таъсир қилар экан.

Бизнинг умидимиз келгусида бу билим даргоҳида йигитлар сони ҳам ортади.

Суратда: Ўқув даргоҳи қизлари.



ЙИГИТЛАР КАМ, ХОЛОС

— Қизлар ҳусни шарм-ҳаё, ширин сузлиги одобда. Қайси қизки қадимий урф-одатларимизга амал қилар экан, унинг чеҳраси ҳам, юриш — туриши, кийиниши ҳам гузал кўринади...

Мақтабда ташкил этилган «Қизлар клуби» раҳбари Махфуза опа Муродбекова ўзига диққат билан тикилиб турган ўқувчиларга яна анча гапирди. Юқори синф қизларининг «Муҳаббат нима?» «Қизлар гигиенаси деганда нималар тушунилади?», «Келинлик латофати нима дегани?» сингари саволларига

жавоб берди.

Хуллас, клубнинг бу галги машғулоти ҳам ҳар сафаргидай қизиқарли ва мазмунли ўтди. Тошкент шаҳар, Одил Қаюмов номидаги мактабда қизлар клуби ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Унга 9-10-синф қизларидан Насиба Комилова, Ҳилола Латипова, Манзура Тожибоева, Нодида Дадаевалар фаол қатнашаёттилар.

— Кўпинча келгуси ҳаёт, келажакдаги турмуш ҳақида уйлардим, баъзан онажонимга ҳам айтишга тортинадиган саволларим бўларди. Ҳозир бу ерда бемалол барча саволларга жавоб топа олаяпман, — дейди 10 «А» синф ўқувчиси Дилноза Обидова.

Истагимиз, клуб ишлари бундан буён ҳам ривожланиб, унинг аъзолари сони ортаверсин.

Олимжон ТУХТАНАЗАРОВ.



Суратларда: Болаларнинг сеvimли устозлари шогирдлари даврасида. Ш. Шаропов туширган сурат.

Муҳаббат опа дастлаб математикага ихтисослашган махсус синф ташкил қилиш ташаббуси билан чиққанида, унинг фикрига қарши чиқувчилар ҳам бўлганди. «...Бу ташаббуснинг келажаги йўқ. Бизнингча, математика барчага баробар ўқитилиши керак», дейишганди улар. Шунга қарамай ўз сузида қатъиятли устоз фикридан қайтмади. 1983 йилда шаҳар мактабларида таълим олаётган 80 нафардан зиёд 9-синф ўқувчиларини танловдан ўтказиб, шулардан 22 нафарини ўзи ташкил қилган махсус синфга қабул қилиб олди. Уларга махсус дастур асосида математика фанидан чуқур билим бера бошлади. Қисқа фурсатда ўз самарасини бера бошлаган бу ташаббусни келаси йили мактабнинг яна бир математика ўқитувчиси Раънохон опа Содиқова

ҳам қўллаб-қувватлади, у ҳам махсус синф ташкил қилди.

1987 йилда Муҳаббат опа ўзининг илк битирувчилари — қалдирғочларини мустақил ҳаётга учирма қилди, 22 нафар шогирдининг 21 нафари олий ўқув юртига ўқиш-

яшаб, бизнинг махсус синфимизда ўқишяпти. Бу эса уларнинг билим олишга чанқоқликларидан далолатдир. Шу билан ҳам мактабимизда махсус лицей еки математика интернати ташкил қилинса, айни муддао булар эди...

Муҳаббат опа Шаропова, Раъно опа Содиқова сингари фидойи мураббийлар меҳнат қилаётган Қарши шаҳридаги 5-урта мактаб ҳаётида Муҳаббат опанинг ҳам шогирдлари талайгина. Ўз фарзандларидек ардоқли бўлиб қолган шогирдлари билан учрашиб, уларнинг ҳаётдаги ютуқлари, қувончлари шериқ бўлиш қандай мароқли.

Анвар КАРИМОВ


Эртала Ўзбекистон халқ шоири Зулфия опанинг туғилган кўни

Зулфия

ЎЙЛАР

Йилларми бу - шошиб, шоширган,
Улкан улуш орқада қолмиш.
Ё бой берган бахтин яширин,
Йуллар мени шу куйга солмиш?
Ё мен қучиб етмаган ҳаёт,
Она каби эслатар бурчим.
Сероб қилмай битган бир булоқ
Ками битди ё қалба кучим?
Игна билан мен қазиб қудуқ,
Ушбу чашма - кўзни очаман.
Қор қилмаса қалбимдаги ут,
Сочим ёқиб ўчқун сочаман.
Отам боши мисол оқ тоғдан,
Отқин сувдан юламан қудрат.
Бу кун каналга зор тупроқдан,
Ташналикни оламан пудрат
Зангор кўкни бирдан сипқариб,
Ерни кунга тутаман қафтда.
Ойга фазо илмин сиғдириб,
Неварамдск оламан кифтга.
Халқ тақдирин бир жилғасидай
Ҳар инсондан тилайман баҳра.
Сув унутган қум заррасидай
Умрим сочиб, ўқинмай қатра-
Ҳаво кесиб, чарчаган қушдай,
Қуниб, қучиб, ксзгум Ватаним.
Ва меҳнатдан нақ ипакқуртдай
Тухтамасман, тинмаса қалбим...

ОНА ЖОНИМ ТАБИАТ



Менин асарим бузқам,
Нисда мўминтой, сузмас.
Халпто устима минсам,
Нисови пуфак, тиннак бузмас.

ТАЖРИБА ЎЗИНИ ОҚЛАДИ

га кирганликларини эшитиб, устознинг боши кўкларга етди.

— Ҳозирда шогирдларимнинг сафлари янада кенгаймоқда, — дейди Муҳаббат опа ҳурсандчилигини яширмай. — Вилоятимизнинг бошқа туманларидан ҳам ўқувчилар келиб, қариндош-уруғлариникида

ГУЛ УЗИШДАН ОЛДИН ГУЛЗОР ЯРАТАДИЛАР

— Тошбури Раҳимович! Комил инсон борки ўз боласига, қолаверса давлатнинг, халқнинг улуг келажаги бўлмиш фарзандига қайғурмаслиги мумкин эмас. Зеро ҳар бир инсон муқаддас болалик фаслидан бошланади. Мустақилликка эришган ва бир оз бозор иқтисоди қийинчиликларини бошидан кечираётган қуларда болаларимизга эътибор қандай бўлаётир?

— Ҳаёлимда тарихимиз билан боғлиқ кўп нодир манзараларни намоян қилдингиз. Ҳаёлан беш-олти аср орқага қайтгандай бўлдим. Бундан 660 йил муқаддам Шаҳрисабз кўчаларида пешонаси кенг, кўзлари чақноқ бир бола ўзига ўхшаб ўртоқларини атрофига тўплаб, кўмондон каби уларга турли топшириқлар бермоқда. Бу — улуг жаҳонгир Темур бобомизнинг болалиги эди. Ёки Ҳирот кўчаларида паст бўйли, пешонаси кенг кўзлари катта ва ўйчан бошқа бир бола ўртоқларига қўшилмай бир четда ҳаёлга чўмиб турибди. Балки у яратажак улуг шеърят ҳақида бош қотираётгандир. Дунё фани, адабиёти, санъатига Темурдай, Алишердай, Улугбекдай, Ҳисрав Деҳлавийдай, Бедилдай, Бобурдай, Берунийдай, Синодай, Ал-Хоразмийдай, Ал-Фарғоний, Жалолдин Мангубердидай зотларни берган Туркистон илм-фани беш аср илгари юсакка кўтариб қўйган бу заминда яна ўшандай зотлар туғилмайдиган деб ким кафолат бера олади? Ҳеч ким. Даҳоларга, улуг шоирларга бутун инсоният бирдай қайғурмоғи зарур ва шарт. Шу ўринда улуг бир жараёни эътироф этмасликнинг илоҳи йўқ. Президентимиз Ислон Каримов ҳам биринчи бўлиб болаларга қайғурдилар ва «Соғлом авлод учун медалини таъсис этдилар.

— Албатта. Бу улуг неъматнинг шарофатини айтиб адо қилиб бўлмайди. Мустақиллик миллатимиз учун, қолаверса унинг фарзандлари, фани, адабиёти, санъати учун ҳам улуг ҳурлик келтирди. Назаримда инсоният тарихидаги жараёнлар ҳам гуё тўлқинларга ўхшаб, кўтарилиб, тушиб турганга ўхшайди. Бу кўтарилишни гарбда «Уйғониш даври» деб атайдилар. Бу жараён бизда Беруний, Ал-Хоразмий, Сино даврларига, яъни IX-X асрларга тўғри келади ва бу Уйғониш қарийб XVII асрларгача давом этди... Насиб этса уша улуг кўтарилиш — Уйғониш даврига илк қадамларимизни қўя бошладик.

— Инсон беҳад ҳаяжонланадиган манзара... Илоё орзу ниятларимиз тезроқ ушалсин. Тупроғимизда сиз тилга олган улуг зотлар туғилсин. Шу ўринда яна бир тарихий ҳақиқатни тилга олиб ўтишни истардим. «Хоразмшоҳлар тарихи» деган китобда улуг Озарбайжон олими Зиё Буниётовнинг маълумот беришларича XI асрда, яъни Хоразмшоҳлар даври гуллаган паллада бу ерда ақл бовар қилмайдиган даражада катта кутубхона ташкил этилган ва бир неча миллион нусхада антиқа китоблар жамланган. Бу китоблар дунёнинг турли ерларидан олиб келинган. Жумладан, ўша кезлар Хоразмга минглаб донишмандлар, алломалар йиғилган ва ижод қилганлар. Фан, адабиёт, санъат улуг тараққиёт даражасига кўтарилган. Хоразм шоҳлари ҳақида юзлаб китоблар битилган. Шу олимнинг эътироф этишича, Хоразмда ўша кезлар минглаб масжид ва мадрасалар бўлганки, халқнинг болалари ўқиши учун кенг имкониятлар яратилган. Етмиш йиллик қарамлик даврида эса бу тарихий ҳақиқат мутлоқо бузиб қўрилди. Ёки темурийлар даври ҳақида Ҳиндистонда Амир Темурнинг чеварларидан улуг Бобурнинг чевараси Акбаршоҳнинг ўғли Жаҳонгир томонидан 200 жилдлик асар яратилишини эслайлик... Ҳозирча биз бу улуг битиклардан нисбатан беҳабармиз. Бу улуг битикларни ўқиш ва урганиш имкониятига мустақиллик шарофати билангина эришдик. Демокриманки, улуг боболаримизнинг юзага чиқишига ўша билим манбаларининг етарли даражада бўлгандир. 70 йиллик қатагон даврида шундай улуг манбалар мавжудиди? Улуг истеъдодлар етишиб чиқиши учун тўла имкониятлар бормиди? Қоғозларда, рақамларда керагидан ортиқ бор эди. Бутун қўлланмалар Москвадан юбориларди. Истасак-истамасак мана шу кўрсатмаларга асосланиб болаларимизни ўқитишга мажбур эдик. Мактабга боргандан то уйларида қайтгунча «Улуг Ленин бобомиз» деган қаломни такрорлаш билан банд бўлардилар. Ёш гўдаклар миясини кераксиз фалсафалар билан тўлдириб ташлашарди. Олийгоҳлардаги манзара ҳам шундай эди. Талабалар ўз мутахассисликларини мукаммал ўрганиш ўрнига турли кераксиз фалсафалар билан шуғулланардилар. Натижада талабалар саводсиз бўлиб чиқардилар. Бу гапларни айтишдан мақсад

— бугундан эътиборан ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб болаларимизнинг саводини чиқариш имкониятини яратишимиз керак. Бунга илк қадамлар қўйилаётир, десам янглишмайман. Ҳар бир ширкат ва жамоа ҳўжаликларида иқтидорли болалар учун янги мактаб бинолари қурилиши ва иқтидорли болаларни танлаб ўша мактабларга жалб қилиш, уларга алоҳида маблағ ажратиб моддий ёрдам беришлари, ҳукуматимизнинг улуг ишларидан биридир. Бундан ташқари мактабларда илгаригидай

— Демак, мактабларда олимлар, шоир, ёзувчилар ёши улуг кишилар билан учрашувлар ўтказиш ва уларнинг ҳаётлари, ибратли ишлари билан ўқувчиларни таништириб бориш улуг ишларга руҳлантириш фойдадан ҳоли эмас экан.

— Албатта. Болалигимизда бирор улуг кишиларни кўрсак, суҳбатларини эшитсак ё радиодан чиқишларини тингласак, ўша таасўротлардан узоқ вақт чиқолмай юрардик. Қалбимизда ўшалардай одам бўлиб етишиш орзуси яшнаб кетарди. Худди шу сингари болаларимизнинг ҳам умуминсоний, яъни ота-оналарига хос туйғу билан яшамокларига эришмоғимиз зарур. Гарчи ҳар бир ота-онанинг ўз фарзандига қайғуришидан умуминсоний ҳис келиб чиқсада, барибир бир юрт, бир элнинг ота оналари шу юрт, шу эл болаларига бирдай улуг туйғу билан қарамоғи шарт. Шундагина биз болаларимизга бир-

Тошбури ҚИЛИЧЕВ Самарқанд вилояти, Нуробод тумани ҳокими БОЛАЛАРГА ҚАЙҒУРМОҚ — ЎЗЛИККА ҚАЙҒУРМОҚДИР



бир синфда 30—40 талаб болаларни ўтказиб мажбуран ўқитилаётгани йўқ. Ҳар бир боланинг иқтидорига қараб турли соҳа бўйича ўқитиш жараёни бошланди. Бу борада

дай қайғурган бўламиз. Бугунги кунда катта шаҳарлар, махсус санъат мактаблари, колледжлари ташкил этилгани ҳам мустақиллик шарофатидир.

— Нуробод туманида қанча мактаб мавжуд?

— 72 та мактаб бор. Уларда 3200 бола ўқийди. Ўқувчиларга 2 мингта муаллим устозлик қилади. Кейинги икки йил ичида 6 та мактаб биноси қуриб битказилди. Илгариги сайловда мени Ўзбекистон халқ ноиблигига сайлашган эди. 1994 йил депутатлик кафолатим тугади. Демак, энди мен депутат сифатида эмас, ҳукуматимиз ишониб топшириб қўйган туман раҳбари сифатида, қолаверса, ёши бир ерга бориб қолган ота сифатида фарзандларимизга қайғурмаслигимнинг асло илоҳи йўқ. Ҳар қандай раҳбарнинг фикри-зикри, уй-ҳаёли биринчи галда болаларда бўлиши, уларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш бўлиши керак. Юмушдан қайтиб, танҳо ўтирган кезларинг ҳаёлигандан шу болалар ўтади. Бозор иқтисодига ўтаётган бир паллада мактабларда ҳам озгина тақчиллик сезила бошлади. Мана шу тақчилликни бартараф қилиш учун қандай режалар тузиш керак? Боз устига «маош етарли эмас» деб, баъзи бир муаллимлар ўзларини тижорат ишларига уриб мактабдан кетиб қолаётир. Ўз касбини жондан севган, ардоқлаган кишилар оғир дамларда бундай йўл тутмайдилар. Ҳозир мактабларга давлат томонидан алоҳида ерлар ажратиб берилган ва берилаётир. Мактаб маъмурияти ўқувчилар ёрдамида шу ерларга зарур нарсаларни экадилар. Даромадини ўз юмушларига ишлатадилар. Бу ишлар давлат томонидан, назорат қилиб турилади. Ҳозир ҳам мактаблар, ўқувчи ва ўқитувчилар, яъни мактаб биноларини қуриш ишлари диққат марказимизда турибди. Ширкат ва жамоа ҳўжаликлари ҳам қўлларидан келган ёрдамларини аямай мактабларга қўмаклашишапти. Яқинда ажойиб шоиримиз Абдулла Орипов: «Амир Темур бобомиз тарих бузиб кўрсатилганчалик ёмон одам бўлганда дунёга Улугбекдай, Бобурдай, Бойсункур Мирзодай, Зебунисодай улуг зотларни бермас эди. Мана шу улуг зотлар Темур бобомизнинг нечоғлик олийжаноб ва даҳо иқтидор эгаси эканлигидан далолат беради» деб айтдилар. Чиндан ҳам шундай. Бу юртнинг ҳар бир кишиси иқтидорли... демак олийжаноб. Биз мана шу анъаналаримиз ортидан толмай боришимиз керак.

— Ўз ҳақингизда...

— 1969 йили Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги олийгоҳини битирганман. Турли лавозимларда ишладим. Икки ўғлим, икки қизим бор. Ҳаммаси олий маълумотли. Мен болаларимнинг келажаги билан доим қизиқиб келаман.

Тарбия борасида ҳеч қачон меҳнатимни аямайман. Бугун улар менга фарзанд. Эртага эса олийгоҳларни битириб, хизматига кирганларидан кейин халқ хизматкорига айланади. Халқи, юрти учун хизматга киришади. Демак, мен аввало халқ учун қайғурган бўлиб чиқаман.

— Болалар рўзномаси «Тонг юлдузи»ни ўқиб турасизми?

— Албатта! «Ленин учқуни номи билан чиқарди. Уни ўқиб эсимни таниганман, рости... рўзнома тобора қизиқарли бўлиб бораётир. Тарихимиз, адабиётимиз, санъатимизга оид теран мақолалар мени ҳаяжонлантиради. Ҳар сонда шундай материаллар беришни қанда қилмаслик керак. Бола хотираси тошга битилгандек, мустаҳкамдир. Хотирдорлик учун, маънавиятимизни бойитиш учун «Тонг юлдузи» порлайверади, — деб умид қиламан.

Суҳбатдош:
Дилфуза БЕКОВА.

Умрбоқий Ўғлим Нодирга

Ишонган тоғимсан узинг,
Босилган муқаддас изим —
Буладур ардоқли сўзинг.
Узингсан муътабар қўним,
Дилбандим, эркатой узим,
Сабрингга тилайман тўзим.
Синонга беролсанг бардош,
Узим деб, бўлмасанг

бебош,
Ер булар, албатта ҳар
қондош.
Шаън бўлгин, бир кун
онангга,
Шаън бўлгин, бир кун
отангга,
Шаън бўлгин жондош
укангга.

Қарамай ҳеч қачон сулга.
Қулга олсанг узингни
Киргайсан савобли йулга.
Орзуинг ушалгай албатта.

Ен бермай қайгуга,
ҳасратга

Эл сени ардоқлар абад.
Ишонган тоғимсан узинг,
Босилган муқаддас изим —
Буладур ардоқли сўзинг!

Ўғлим НАРГИЗАГА...

Менинг нозик ниҳолгинам,
Чехраси гул, зилолгинам,
Сенсиз уйим харобадир,
Сенсиз дилим вайронадир.
Буддинг уйга улуг безак,
Онанг учун орзу тилак.

Барча сени жондан суяр,
Меҳрибонлар меҳринг
туяр,
Бахту иқбол сенга бўлсин,
Йўлинг доим нурга тўлсин!

Қатрала

ДАРАХТНИНГ ИЛДИЗИ

Бир киши нақшин олма-
ни еб туриб, қаршисида
утирган кекса бобога деди:
— Оҳ-оҳ, бу мева мунча-
лар ширин, ажойиб, дарахт-
нинг қоматини қаранг.

Кекса бобо жилмайиб,
уйчанлик билан деди:

— Мевани саятганда дов-
дарахтнинг фақат қадди-қо-
матини эмас, унга оби ҳаёт-
ни етказиб берган илдишни
ҳам эслаб қуйиш керак.

ГУЛНИНГ НОЛАСИ

Чаманзорда чирой очган

гул ёнида қора чақир тика-
нак турарди. У гулга суқ
билан тикилиб деди:


— Мунчалар гузалсан, сен-
га жудаям ҳавасим келяпти.

Гул субҳи содиқ шаббодаси-
дан тебраниб деди:

— Ҳуснимдан бахтлима-
ну, шу чиройим учун одам-
лар бераҳмлик билан узиб
олиб ҳазон этишларидан
доим титраб, чўчиб тураман,
сенинг заҳарли найзалариг-
га қўл теккизгани кўрқиб
ҳеч ким озор бермайди.

Тиканак гулнинг софдил-
лик билан айтган сўзидан
узица фахрланиб қуйди.

РАССОМ ХАҲДАСИ



АНА, ЯНА БОШЛАДИ!

Олмаҳон урмон мактабидан қовоғини солиб уйига қайтди:

— Ҳа, намунча? Нимага хафасан? — суради онаси Олмаҳондан.

— Яна уша...

— «Уша» ким?

— Муаллима.

— Тупунтириброк гапир, нима қилди муаллиманг?

— Хафа қилди.

— Нимага хафа қилади? Вой, нима учун сени хафа қилади?

— Нимага, нимага, — зардаси қайнади Олмаҳоннинг, — ҳамма

ишимдан бир ишқал қидириб топаверадиди.

Онаси уйланиб турди-да, деди:

— Майли. Кел, булар иш бўлди. Энди муаллиманг олдига бирга
борамиз. Узим гаплашиб қўяман у билан.

Улар муаллима ҳузурига боришди. Олмаҳоннинг онаси муалли-
ма Қуёнхон Узунқулоқовнага деди:

— Мана, куриб қўйинг, ўғлим сизнинг устингиздан арз қиляпти.

— Кимдан, кимдан?

— Кимдан буларди, сиздан-да!

— Мендан?! — ҳайрон бўлиб суради Қуёнхон Узунқулоқовна,
нимага энди мендан?

— Ҳар ишидан ишқал қидираркансиз?


— Мен ишқал қидирарканманми? — хайратланди ўқитувчи Узун-
қулоқовна. — Ахир унинг ўзи ҳеч нарса ўқимайди-ку, ўқишни хоҳла-
майди.

Шундай дея Қуёнхон муаллима ўз ўқувчиси Олмаҳонга қараб
ундан суради:

— Қани, айт-чи, икки карра икки неча бўлади?

Олмаҳон ўқитувчисидан жаҳли чиқиб, онасига қаради-да, чийил-
лади:

— Ана, яна бошлади...



АЙИҚ ВА ТЕЛЕФОН

Ёз кунларининг бирида Айиқ дарахт тагига келиб ўтирди-да, пан-
жалари билан пешонасидаги терларини артди.

— Фу, югурасан, югурасан, лекин шунақанги қатта урмонда, худо
ҳақки, тартиб урнатолмай ҳуноб бўласан, — дея нолиди.

Айиқнинг ҳасратларини эшитиб турган Зағча ҳамма гапни Шерга
чақиб берди.

— Энди урмондан сургун қилинади Айиқ, ишени эпложмагани
учун, — суюнди Зағча.

— Ҳа, унга қийин, — деди Зағчанинг гапларини эшитган урмон Шери,
уйлаб-уйлаб, шундай буйруқ берди:

— Айиққа телефон урнатилсин. Урмоннинг барча муҳим унсурлари
билан алоқа боғлансин.

Ҳадемай Айиқполвонга телефон урнатиб берилди. Энди у унгирида
утириб, телефонга қараб, оғзи қулоғида.

— Ҳа, бу телефон деганлари оромижон экан-ку, а? Ҳеч қасққа
югуришнинг хожати йўқ.

Шундай қилиб Айиқполвон эртадан-кечгача телефон ёнидан жил-
майдиган бўлди, ҳамма ишени у орқали битирарди.

Қиш ҳам келди. Урмонда бурун гувиллай бошлади. Қунғироқ
қилавериш, Айиқнинг тинчини бузишди.

— Айиқполвон, қор ёғаяпти.

— Урғоқ! Айиқполвон, барча йул ва суқмонлар қор билан тулган.

— Кечирасиз, нима қилайин, қуёнчалар қорнинг тагига қолиб
кетяпти.

Бундай шикоятларни эшитавериш, Айиқнинг жаҳли чиқди. Бугу,
Кийик ва Бурунни телефонда чақириб бўқирди:

— Тезликда урмон қордан тозалансин!

Шундай деб, ўзи уйқуга кетди. Тупида — «ҳаммаси буйругимсиз иш
қила олмайди-я» деб жониворлардан нолиб ҳам қуйди.

Бир вақт уйғониб қараса, телефон жиринглаяпти. Олмади. Бир вақт
буйруқ бергани эсига тушиб қолди-да, Бугуни қунғироқ қилиб
чақирди:

— Урмонни қордан тозалаш қандай кетаяпти? — деб суради у.

— Ҳаммаси жойида, — қувноқ жавоб қилди Бугу, — қорлар охириги
жилғалардан оқиб кетмоқда. Урмонда ҳозир гузаллик ҳукм сурмоқда.

Бир сўз билан айтганда — Баҳор!

— Во! — Айиқ мамнуният билан телефондан қўз узмай қолди: Сен
бўлсанг бас, ҳамма иш бирпасда битади.

Маҳфуза ЗАЙНИДДИНОВА таржималари.

КУНДАЛИКНИНГ ХАСРАТИ

Олтинчи «Б» синфда

Булди ажиб ҳангома.

Турсунбойнинг шаънига,

Ёғилди «рахматнома».

Кундаликка тил кириб,

Булсин дея бир тартиб,

Турсунбойдан гап кетди,


Сирларини фош этди.

— Кундаликман, холим вой,

Курмай асло бир чирой.

Варақларим хўп шалоқ,

Баҳоларим кўп қолоқ.



«Икки»дан чиқмас бошим,

Доим оқар қўз ёшим.

Уй вазифа ёзилмас,

Бор-йўғимни ҳам билмас.

Ҳеч вароғим тўлмайди,

Бетим ҳусн кўрмайди.

Юзларимда чанг, ёзув,

Турли расм чизар у.

Мени ерга отади,

Кейин... ташвиш тортади.

Утган дарсни билмайин,

Ўқишда бўлмай тайин.

Кучага йўл олади,

Ҳамма ишлар қолади.

Эртаси таниш базм,

Қизараман бир ўзим.

Уй вазифа суралса,

Ҳайрон бўлар у роса.

Туришига бир қаранг,

Боши эгик ва гаранг.

Сунгра қўз ёш қилади,

Айёрликни билади.

Қачонгача бу одат,

Давом этар, йўқ тоқат.

Мен ҳам қўшлар қатори,

Бўлсам қаторнинг нори.

Садоқатли дўстлардек,

Папкасида турмай тек.

Бурчим бўлсин хўп тайин,

Ҳалол хизмат этайин.

Менга яхши қарасин,

Олсин баҳо сарасин.

Ғайрат қилган қир ошар,

Илми дарёдек тошар.

Меҳнаткаш бўл эй ўғлон,

Ишдан қочма ҳеч қачон.

Ялқовликдан бахт кутма,

Ўз бурчингни унутма!

Эркин ҚОДИРОВ,

Муассислар: **ЎЗБЕКИСТОН**
ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ
ҚУМИТАСИ, **ЎЗБЕКИСТОН**
РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРАЛИГИ

Бош муҳаррир :
Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳририят:
Сафар БАРНОЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Сойибжон ИСМОИЛОВ,
Сабоҳат ШУКУРОВА
Сайриддин ХОЛОВ
(масъул котиб)

Газета ҳафтанинг сепанба кuni чиқади.
Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин
учкуни» номи билан чиқа бошлаган.
Рўйхатдан утиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефон: 33-44-25

IBM компютерида терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида босилди.
Ҳажми — 1 босма табоқ
Буюртма — Г-0065.
11.000 нусхада босилди.
Қогоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30